



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a4

ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА GSP+ ИМТИЁЗЛАРИ ТИЗИМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Хожиев Элшод Ёқуб ўғли -

Ташкент давлат иқтисодиёт университети
Маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация. Мақолада Европа Имтилоғи давлатлари га "GSP+" имтиёзлар тизими доирасида экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кўпайтиши, маҳаллий маҳсулотлар экспорт салоҳиятини оширишда маҳсулотларни халқаро белгиланган талаблар ва меъёрларга мослаштириш ҳамда уни амалга ошириш ўйналишлари очиб берилган. Муаллиф томонидан экспорт фаолиятида "GSP+" имтиёзлар тизимидан самарали фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калим сўзлар: "GSP+" имтиёзлар тизими, экспорт салоҳияти, маҳаллий маҳсулотлар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, экспорт ҳажми, халқаро талаблар.

ЗНАЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ПРЕФЕРЕНЦИЙ GSP+ В ПОВЫШЕНИИ ЭКСПОРТНЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ УЗБЕКИСТАНА

Хожиев Элшод Яқуб угли -

Ташкентский государственный экономический университет
Старший преподаватель кафедры Маркетинга, PhD

Аннотация. В статье излагаются пути увеличения видов и объемов продукции, экспортруемой в страны ЕС в рамках системы преференций «GSP+», повышения экспортного потенциала местной продукции, гармонизации продукции к международным требованиям и нормам и их реализации. Автором выделена роль и значение эффективного использования системы льгот «GSP+» в экспортной деятельности.

Ключевые слова: преференциальная система «GSP+», экспортный потенциал, местная продукция, продовольственные и непродовольственные товары, объем экспорта, международные требования.

THE IMPORTANCE OF EFFECTIVE USE OF THE GSP+ PREFERENCES SYSTEM IN INCREASING THE EXPORT CAPACITY OF UZBEKISTAN

Khojiev Elshod Yokub ugli -

Tashkent State University of Economics
PhD, Senior lecturer of Marketing Department

Abstract. The article reveals ways to increase the type and volume of products exported to EU countries within the framework of the "GSP+" system of preferences, to increase the export potential of local products, to adapt products to international requirements and norms, and to implement them. The role and importance of the effective use of the "GSP+" system of benefits in export activities has been highlighted by the author.

Key words: "GSP+" preferential system, export potential, local products, food and non-food products, export volume, international requirements.

Кириш. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ва дунё бозорида ўзбек маҳсулотлари брендини танитиш борасида ислоҳотларни жадал давом эттириш, уларни янги замонавий босқичга кўтариш ҳамда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида «Республиканинг экспорт салоҳиятини

oshiриш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиши, экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-куватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш, хусусий секторнинг экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиши, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиши» вазифалари белгиланди [1].

2022 йилнинг 15 апрел куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнесни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча шароитлар яратиш" масалалари-

га бағишланған йиғилишда мавжуд ер ресурсларидан самараги фойдаланиб, 2022 йилда 7,7 млн тонна бұғдой ҳамда 23 млн тонна мева-сабзавот етишириб, 1,5 млрд доллар экспортни таъминлаш зарурлиги, таъкидланды. [2]

Шу сабабдан мазкур мақолада юқорида күрсатыб ўтилган вазифаларнинг бир қисмими амалга оширишга, яғни, биринчи навбатда маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандарт талаблари асосида ишлаб чиқариш, уларни рақобат-бардошлигини таъминлаш, таниқлилик дара-жасини ошириш, иккинчидан эса, экспортни ҳар томонлама құллаб-құвватлаш ва рағбатлантириш, унинг ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш, хорижий бозорлардаги хилма-хил ва ўзига хос хусусиятли мұхитлар сабабли экспорт бозорларыда мұваффақияттаға эришиш долзарб вазифалардан ҳисобланады.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Iqbal Ahmad A. ва Soomro Dr.Ishaque Ahmad Ansari GSP+ имтиёзларини қуидаги талқин этади: "GSP+ барқарор ривожланиш ва мақбул бошқарув учун маҳсус рағбатлантирувчи келишув деб аталади" [3]. Бу таърифда эътибор иккى асосий тушунча – мамлакатни барқарор ривожланиши ва мақбул бошқарув тизимига қаратилади. GSP+ экспортнинг ўсиши натижасида ҳар йили құшымча даромад олиш йўли билан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўлидаги мұхим қадам сифатида қабул қилинади.

Rusudan Seturidze "GSP+ имтиёзлари Жаҳон банки томонидан сўнгги уч йилда аҳоли жон бошига ЯИМ юқори ёки юқори ўрта даромадли бўлмаган деб эътироф этилган мамлакатларга берилиши" таъкидлаб ўтилган [4].

Brynn Jonsson R. Julianing таърифига кўра "GSP+ тизими – бу ривожланаётган мамлакатларнинг инсон ва меҳнат ҳуқуқлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мақбул бошқарув каби халқаро конвенцияларга мувофиқлиги эвазига Евropa Иттифоқи тарифларини олиб ташлайдиган савдо шартномаси ҳисобланади" [5].

J. de Coster таърифлашича "Умумлаштирилган имтиёзлар тизими (GSP) ривожланаётган мамлакатлардаги экспортчиларга саноатлашган мамлакатлар бозорларыда имтиёзли тарифлардан фойдаланиш имкониятини беради. Мазкур тизимнинг мақсади ушбу мамлакатларга құшымча экспорт ҳисобига даромад олиш ва камбағаллукни қисқартиришга ёрдам беришдир" [6].

Siddiqui M.S. "GSP+ нинг асосий мақсади қашшоқликни йўқ қилиш ва ривожланаётган мамлакатларда барқарор ривожланиши ривожлантиришга ҳисса қўшишдир", [7] деб тушунтиради.

Адабиётларни таҳлил қилиш орқали GSP+ бенефициари мақомини олиш мамлакатда иш-

лаб чиқарилаётган товарларга Евropa Иттифоқи бозорларига бепул кириши, имтиёздан фойдаланиш бенифициар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, инвестицияларни жалб қилиш ва турмуш даражасини оширишнинг мұхим омиларидан бири эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқот методикаси. Мазкур илмий мақола умумий ва маҳсус тадқиқот усуслари ёрдамида тадқиқ қилинган. Хусусан, илмий мақолани тайёрлаш жараённанда анализ-синтез, индукция ва дедукция, илмий таққослаш, статистик таҳлил, шунингдек экспер特 баҳолаш усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2022 йилнинг 7 ноябрь куни ўтказилган маҳаллий саноатни ривожлантириш масалаларига бағишланған йиғилишда 2023 йилда Евropa Иттифоқи давлатларига экспорт қилинадиган саноат маҳсулотлари турини 600 тага, экспорт ҳажмини 700 млн долларга, хусусан электротехника саноати маҳсулотларининг турларини 7 тадан 20 тага, чарм саноати маҳсулотлари турларини 10 тадан 30 тага етказиш; тайёр маҳсулотлар экспорт ҳажмини камида 2 баробарга ошириш; ўйтўқимачилик маҳсулотлари экспортини 200 млн долларга, гиламчилик маҳсулотлари экспортини 200 млн долларга, қурилиш материаллари экспортини 800 млн долларга, фармацевтика маҳсулотлари экспортини 120 млн долларга, мебель саноати маҳсулотлари экспортини 50 млн. долларга, озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 2 баробарга ошириш таъкидланды. [8]

Бизга маълумки, 2021 йилнинг 9 апрел куни Евropa томонининг Ўзбекистонга преференциялар бош тизими ("GSP+") бўйича бенефициар мамлакат мақомни тақдим этиш тўғрисидаги норматив ҳужжати қабул қилинди. Мазкур норматив ҳужжатга асосан, 2021 йилнинг йил 10 апрель кунидан бошлаб Ўзбекистон учун Евropa Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самараги бошқарув бўйича маҳсус преференциялар тизими ("GSP+") кучга кирди.


Ўзбекистон "GSP+" тизими бенефициар мамлакати мақомини олишга қадар, Преференциялар бош тизими ("GSP") доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиб келган. Ушбу имтиёзлар доирасида мамлакат божхона божларисиз 3000 та, пасайтирилган божхона божи ставкалари асосида 3200 та товар позицияларини Евropa Иттифоқига аъзо мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш имкониятига эга бўлган.

Республикага тақдим этилган Евropa Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самараги бошқарув бўйича маҳсус преференциялар тизими ("GSP+") имтиёзлари доирасида эса Ўзбекистон Евropa бозорига 6200 дан ортиқ товар позицияларини божхона божларисиз экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

GSP+ тизими доираси қайси турдаги товарларга қўлланилишини аниқлаш учун қўйида келтирилган тартибда маълумот олиш мумкин.


1-қадам

GSP+ тизими доираси қайси турдаги товарларга қўлланилишини аниқлаш учун сиз қўйидаги ҳаволага ўтишингиз керак.
<https://trade.Ec.Europa.Eu/access-to-markets/en/home>



The screenshot shows the European Commission's Access2Markets platform. At the top, there is a navigation bar with links for Home, Goods, Services, Investment, Markets, Toolbox, Contact, and My Trade Assistant. Below this is a search bar with fields for Product name or HS code, Country from, and Country to, followed by a Search button. The main content area has sections for 'My Trade Assistant' and 'How to use this form'.

2-қадам




A close-up screenshot of the search interface. It shows three input fields: 'Product name or HS code', 'Country from', and 'Country to'. Below these fields is a blue 'Search' button.

Юқоридаги бўш турган майдонларга экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг ТИФ ТН кодини ёки маҳсулот номини, шунингдек экспорт қилувчи давлат ва юборилиши лозим бўлган мамлакатни киритишингиз ва қидирув (SEARCH) тугмасини босишингиз керак.

3-қадам

Сизда қўйидаги каби маҳсулотлар рўйхати пайдо бўлади. Сиз ундан қайси маҳсулотлар GSP+ доирасига киришини билиб олишингиз мумкин.



The screenshot shows the search results for product code 0809.10 from Uzbekistan to Germany. At the top, there is a header with 'Import to EU' and 'Results for product code 0809.10 from Uzbekistan to Germany'. Below this is a table with columns for Tariffs, Rules of origin, Taxes, Origin/Measure type, Tariff, Conditions, Footnote, and EU law. The table shows two rows of data: one for 'ERGA OMNES' with a tariff of 20.00% and another for 'All third countries Excluding: United Kingdom' with a tariff of 10.00%. A note at the bottom indicates that GSP+ (incentive arrangement for sustainable development and good governance) has a tariff preference of 0%.

1-расм. "GSP+" имтиёзи қайси маҳсулотларга нисбатан қўлланиши ва қанча миқдордаги божхона божларидан озод этилиши тўғрисида маълумот олиш графиги [10]

Хусусан, ушбу товар позициялари қаторида республиканинг асосий экспорт салоҳиятига эга бўлган кенг турдаги текстиль маҳсулотлари, оёқ қийим, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, нефт ва кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, керамика ва металл маҳсулотлари ҳамда технологик ускуналар божхона божи тўлашдан озод этилган.

Агар яққол мисоллар келтирадиган бўлсак, “GSP+” тизими доирасида стандарт “GSP” тизимидан фарқли ўлароқ олма ва помидор шарбатларига нисбатан – 13,3-25,5%, шафтоли ва ўрик – 14,1-16,5%, музлатилган сабзавотлар (картошка, оливка, помидор ва бошқалар) – 10,9%, юқ ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари – 15,4%, оёқ қийим маҳсулотлари – 11,9%, консерваланган сабзавотлар – 14,1%, балиқ гўшти ва файлси – 14,5%, мева шарбатлари – 14,5, болалар кийим-кечаклари - 8,4% ва футболкалар – 9,6% миқдоридаги божхона божлари бекор қилинган. [9]

Шуни таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқининг аъзо мамлакатлари томонидан “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзларниң қўлланиши уларниң маҳаллий маҳсулотларининг европа

бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаган ҳолда уларниң экспорт салоҳиятини сезиларли дараражада ошишига хизмат қиласди.

Ушбу тизим доирасидаги имтиёзларниң қайси маҳсулотларга нисбатан қўлланиши ва қанча миқдордаги божхона божлари тўғрисида маҳаллий тадбиркорлик субъектлари маълумот олишлари учун муаллиф томонидан 1-расм ишлаб чиқилди.

Мазкур расм маълумотларидан кўриниб турибдики, экспорт қилувчи ташкилот ўзининг маҳсулотини “GSP+” имтиёзи доирасидалиги тўғрисидаги маълумотни олиш учун <https://trade.Ec.Europa.Eu/access-to-markets/en/home> ҳаволасига ўтилади. Ушбу ҳавола платформасидан экспорт қилинаётган маҳсулот ташки иқтисодий фаолият коди (ТИФ ТН) ёки маҳсулот номи, шунингдек экспорт қилувчи давлат ва маҳсулот юборилаётган Европа Иттифоқи мамлакатларидан бири танланади ҳамда “қидирув” тугмаси босилади. Натижада, учинчи давлатлардан келтирилган маҳсулот учун божхона божлари ва “GSP+” имтиёзини қўлга киритган давлатлар учун “0” фоизли божхона божи келтирилган маълумот келиб чиқишини кўриш мумкин.

1-жадвал

GSP+ имтиёзлар доирасидаги маҳсулотлар тармоқлари таҳлили [11]

| T/p | GSP+ имтиёзлар доирасидаги маҳсулотлар тармоқлари | GSP+ имтиёзлари рўйхатига киритилган маҳсулотлар сони |
|--------------|---|---|
| 1 | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги | 1 097 |
| 2 | Тўқимачилик ва енгил саноат | 1 324 |
| 3 | Кимё ва нефт-газ | 969 |
| 4 | Электротехника | 653 |
| 5 | Металлургия | 467 |
| 6 | Чарм саноати | 105 |
| 7 | Машинасозлик | 148 |
| 8 | Қурилиш | 111 |
| 9 | Бошқалар* | 1 326 |
| Жами: | | 6 200 |

Манба: тирик хайвонлар, ўсимликлар ва уларниң илдизлари, заргарлик, мебель, ўйинчоқлар ва бошқа маҳсулотлар.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 6 минг 200 тур шундан, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги йўналишида – 1097 тур, тўқимачилик ва енгил саноат – 1324 тур, кимё ва нефт-газ – 969 тур, электротехника – 653 тур, металлургия – 467 тур, чарм саноати – 105 тур, машинасозлик – 148 тур, қурилиш – 111 тур ва бошқалар – 1326 тур маҳсулотларни Европа Иттифоқи давлатларига божхона божларисиз экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Худудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари кесимида GSP+ имтиёзлари доирасида Европа Иттифоқи ва бошқа давлатларга экспорт таҳлилини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси GSP+ имтиёзлари доирасида 2022 йилда қарийиб 300 млн.

АҚШ долларига тенг бўлган 590 турдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқи давлатларига етказиб берганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2435 турдаги маҳсулотлар GSP+ имтиёзларини тақдим этмайдиган давлатларга 7,3 млрд АҚШ долларига тенг бўлган қийматда етказиб берилиб, имтиёз тақдим этувчи давлатларга нисбатан 24 баробарга кўпроқ экспорти амалга оширилган.

Қўйидаги жадвал орқали Европа Иттифоқига GSP мақоми бўйича имтиёзлар асосида экспортни йўлга қўйган бошқа давлатларниң экспорт таҳлилини кўриб чиқамиз.

2022 йил давомида GSP+ имтиёзлари доирасида ташқи бозорларга етказиб берилген маҳсулотлар таҳлили

| № | Тармоқлар номи | Маҳсулотлар сони | GSP+ доирасида Европа Иттифоқига экспорт учун йўналтирилган маҳсулотлар таҳлили | | | GSP+ доирасида бошқа давлатларга экспорт учун йўналтирилган маҳсулотлар таҳлили | | |
|--------------|-------------------------------|------------------|---|--------------|----------------------------|---|--------------|----------------------------|
| | | | Маҳсулот тури | корхона сони | экспорт ҳажми (млн. долл.) | Маҳсулот тури | корхона сони | экспорт ҳажми (млн. долл.) |
| 1 | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги | 1 097 | 81 | 158 | 29,8 | 291 | 1 824 | 1 140,5 |
| 2 | Тўқимачилик ва енгил саноат | 1 324 | 226 | 204 | 177,8 | 604 | 1 529 | 3 100,8 |
| 3 | Кимё ва нефт-газ | 969 | 30 | 47 | 45,6 | 242 | 546 | 1 138,7 |
| 4 | Электротехника | 653 | 58 | 28 | 6,9 | 275 | 308 | 148,7 |
| 5 | Металлургия | 467 | 61 | 45 | 33,0 | 218 | 428 | 1 179,0 |
| 6 | Чарм саноат | 105 | 6 | 6 | 0,59 | 64 | 213 | 59,4 |
| 7 | Машинасозлик | 148 | 1 | 2 | 0,002 | 35 | 96 | 30,3 |
| 8 | Қурилиш | 111 | 15 | 17 | 0,1 | 84 | 333 | 63,0 |
| 9 | Бошқалар* | 1 326 | 112 | 68 | 3,8 | 622 | 916 | 475,5 |
| Жами: | | 6 200 | 590 | 575 | 297,6 | 2 435 | 6 193 | 7 335,9 |

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

З-жадвал маълумотларидан кўриш мумкини, GSP+ имтиёзлари тизимиға эга бўлган бир қатор давлатлардан Бангладеш ва Ҳиндистон 16 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маҳсулотларни Европа Иттифоқига ушбу имтиёзлар асосида етказиб берган. Шунингдек, Въетнам,

Индонезия ва Камбоджа давлатларининг ЕИ давлатларига етказиб берган маҳсулотлар қиймати 5-9 млрд. еврони ташкил этади. Филиппин ва Шри-Ланка давлатлари эса 1-2 млрд. еврога тенг бўлган маҳсулотларни ЕИ давлатлари бозорларига етказиб берган.

3-жадвал

Европа Иттифоқи импортида энг катта улушга эга бўлган GSP бенефициарлар таҳлили [12]

| T/р | GSP бенифициар мамлакати | GSP доирасида Европа иттифоқи импорти (млрд. Евро) | Европа иттифоқининг умумий импорти (млрд. Евро) | GSP импорти жами % |
|-----|--------------------------|--|---|--------------------|
| 1 | Бангладеш | 16,766 | 17,401 | 96,4 |
| 2 | Ҳиндистон | 16,378 | 43,601 | 37,6 |
| 3 | Въетнам | 8,994 | 37,531 | 24,0 |
| 4 | Индонезия | 6,616 | 15,557 | 42,5 |
| 5 | Покистон | 5,885 | 6,74 | 87,3 |
| 6 | Камбоджа | 4,987 | 5,255 | 94,9 |
| 7 | Мъянма | 1,926 | 2,189 | 88,0 |
| 8 | Филиппин | 1,915 | 7,49 | 25,6 |
| 9 | Шри-Ланка | 1,365 | 2,755 | 49,5 |
| 10 | Мозамбик | 1,219 | 1,84 | 66,3 |

Хуласа ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига кўра, фикримизча, Ўзбекистондан Европа Иттифоқи бозорига етказиб бериладиган тайёр маҳаллий маҳсулотларни диверсификация қилиш учун маркетинг тадқиқотларини янада ривожлантириш зарур. Ўзбекистон GSP+ ҳуқуқини кўлга киритгандан сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмини Европа Иттифоқи давлатларига сезиларли даражада ошириш мақсадида ушбу мамлакатлар чегараларида “яшил йўлакларни” ташкил этиш бўйича дипломатик музокаралар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Импорт қилувчи мамлакатлар бозорларидаги озиқ-овқат, мева-сабзавот ва саноат маҳ-

сулотларига қўйиладиган талаблар, маҳсулотларнинг жаҳондаги бозор конъюктураси ва маркетинг тадқиқотлари натижаларини доимий маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказиб беришга ихтисослашган хизматларни ўз ичига олган марказлар фаолиятини йўлга қўйиш.

GSP+ имтиёзлари доирасидаги маҳсулотлар учун истиқболли деб топилган ташқи бозорларда кўргазма-ярмаркалар ўтказиш бўйича чоралар кўриш.

Илғор хорижий тажрибани ўрганиш орқали GSP+ имтиёзлари доирасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятига халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш ишларини янада такомиллаштириш.

Халқаро сифат ва хавфсизлик сертифи-
катларига эга маҳсулотларни етиштирувчи,
қайта ишловчи фермер ва дехқон хўжаликлари
ҳамда бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналар

билиан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги
дипломатик ваколатхоналари орқали истиқбол-
ли харидорларни топиш лозим деб ҳисоблай-
миз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнесни қўллаб-куватлаша бўйича қўшимча шароитлар яратиш" масалаларига бағишиланган видеоселектор йиғилиши. 2022 йил 15 апрел.
3. Mr. Iqbal Ahmad A. Soomro, Dr. Ishaque Ahmed Ansari. *The GSP+ and Exports of Pakistan to the European Union. Journal of European Studies (JES)/July 2022, 38(2):38-54.*
4. Rusudan Seturidze, Iasha Meskhia. *The European Union's Generalized System of Preferences (GSP) and the Prospect of a Unified Database. Conference: World Academy of Science, Engineering and Technology. Spain, Barcelona. October 2013. Volume: 7.*
5. Brynn Jonsson R. Julia. *Analyzing the Diversity and Inclusivity of Philippine Exports to the European Union Under the GSP+. Journal of Philippine development: a technical journal of the National Economic and Development Authority. July, 2022. 46(2):23-47.*
6. J. de Coster. *The EU's Generalised System of Preferences (GSP): Impact on textile and clothing trade. January 2008. <https://www.researchgate.net/publication/294102668>*
7. M.S.Siddiqui. *Bangladesh at crossroad of GSP, GSP+ & LDC graduation. March 2022. <https://www.researchgate.net/publication/359437977>*
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2022 йилнинг 7 ноябрь куни ўтказилган Маҳаллий саноатни ривожлантириши масалаларига бағишиланган йиғилишидаги нутқи.
9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг расмий веб сайти (<https://mift.uz/uz/menu/gsp>).
10. Хожиев Э.Ё. "Ўрик маҳсулотлари экспортини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишини токомиллаштириш" мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент. 2023 йил. 62-б.
11. 2012 йил 25 октябрдаги "Умумий тариф имтиёзлари схемасини қўллаш ва 732/2008-сонли Кенгаш регламентини бекор қилиш" тўғрисидаги Европа Парламенти ва Кенгашининг 978/2012-сонли регламенти асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган. 28-79-б.
12. Европа Комиссиясининг 2020 йил 10 февралдаги "GSP имтиёзлари тизими бўйича" ўзининг учинчи иккى йиллик ҳисоботи (On 10/02/2020, the European Commission released its third biennial report on the Generalised Scheme of Preferences (GSP).) 4-б.